

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2019-yil 10-oktabr, payshanba 59 (9026)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ ЯНГИ ҚИЁФАДА БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Олмазор туманида барпо этилаётган "Olmazor business city" ишбилармонлик марказининг қурилиш майдонига ташриф буюрди. Туркиянинг "Mesa mesken" компанияси томонидан бунёд этилаётган замонавий ишбилармонлик марказининг умумий қиймати 135 миллион долларни ташкил этади. Қурилиш ишлари жорий йил февраль ойида бошланган бўлиб, бунинг учун 23,5 гектар ер ажратилган. Лойиҳа 6 та лотга бўлинган бўлиб, биринчи ва иккинчи лотлар савдо ва кўнгилочар масканларни қамраб олган. 4, 12, 13, 18 ва 30 қаватли турар жойлар қад ростлайди. Олтинчи лотда 300 ўринли мактабга таълим муассасаси ҳамда 500 ўринли мактаб қурилиши кўзда тутилган.

никация тармоқлари, йўл инфратузилмаси, яшил ландшафтларнинг жойлашувига эътибор қаратди. Худуднинг 4 гектар қисмида қурилиш ишлари амалга оширилса, 16 гектар майдон кўкаламзорлаштирилади. Қичқириқ канали бўйидаги қарийб 3,5 гектар худудда кўнгилочар масканлар барпо этилади. Президентимиз хонадонлардаги шароитларни кириб кўрди. Кенг, баҳаво квартираларда барча қўлайликлар мўҳайё этилган. Меҳмонхона, ошхона, катталар ва болалар ётоқхоналарининг жойлашуви, замонавий дизайн эътиборни тортади. Турар жой маъмура-сининг афзалликларидан яна бири – хонадонлар яшаш учун тайёр ҳолда сотилади. Уйларнинг ташқи қисмида базальт иситиш қопламасидан фойдаланилмоқда, ҳар бир хонадонга алоҳида иситиш тизими ўрнатилди. Ишбилармонлик марказини 2021 йил охирида тўлиқ фойдаланишга топшириш режалаштирилган. – Уйлар сонини кўпайтириш, энергияни тежаш орқали турар жойлар нархини арзонлаштириш керак. Бунинг учун қурилиш материаллари, базальт

толаси ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириб, ҳар бир ҳудудга етказиб бериш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев. Бунёдкорлик ишларининг бориши, ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Қурилишда маҳаллий материаллардан фойдаланилаётгани, уйлар ҳам тўлиқ юртимизда ишлаб чиқарилган маиший техника ва мебеллар билан жиҳозланиши таъкидланди. – Қуриш бу биринчи қадам. Асосийси – малакали эксплуатация. Уйларга, одамларга сифатли хизмат кўрсатиши, муҳандислик ускуналаридан самарали фойдаланиш зарур, – деди давлатимиз раҳбари қурувчи ва мутасаддилар билан суҳбатда. Шу ерда Олмазор тумани фаоллари билан мулоқот бўлди. Аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, юртимизда рўй бераётган, ўзгаришларни тарғиб қилиш ҳақида сўз юритилди. Ҳар бир ҳудуд шароитига қараб чекка туманларда ҳам сифатли, арзон ва хавфсиз уйлар барпо этиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди.

Президентимиз ўтган йили 29 июнь куни Олмазор тумани аҳолиси билан мулоқот чоғида Тошкент чинни заводини қайта тиклаш зарурлигини таъкидлаган эди. Ўтган қисқа вақтда ушбу ташаббус амалга ошди, замонавий чинни заводи барпо этилди. Давлатимиз раҳбари мазкур корхонани бориб кўрди. Бир пайтлар Ўзбекистон чиннисининг додурги бутун жаҳонга танилган. 1952 йилда қурилган Тошкент чинни заводидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар халқаро кўргазмаларда совринли ўринларга сазовор бўлган, кўплаб мамлакатларга экспорт қилинган. Масалан, Ўзбекистон халқ рассоми Ёқуб Қорибоевнинг "Оқ олтин" – халқ тилида пахта гулли чинни номи билан машҳур тўплами Лейпциг шаҳрида, рассом Анвар Нўъмоновнинг "Тонг" тўплами Загреб шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда олтин медал билан тақдирланган. Мустақиллик йилларида Тошкент чинни заводи гоё ачинарли аҳволга келиб қолган. Заводга 98 фоиз хомашё четдан келтирилган. Бу таннархга таъсир этган. Ишлаб чиқариш замон талаблари асосида ташкил этилмагани, бозор ўрганилмагани, асосийси, маҳсулот таннархи қимматлиги боис корхона 2005 йилга келиб фаолиятини бутунлай тўхтатди. Нафис керамика маҳсулотлари саноат тармоғида ўйламасдан амалга оширилган хусусийлаштиришдан сўнг юзага келган оғир аҳвол боис мамлакатимизга чинни буюмлар асосан четдан келтирилаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли институционал ислохотлар доирасида сув ҳўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, сув ресурсларини бошқариш тамойиллари ва тизимини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилди. Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, сув ҳўжалиги ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалигини ислох қилиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазкур соҳада бошқаруving замонавий усулларини жорий этиш асосида сув ҳўжалиги инфратузилмасини янада яхшилашни талаб этмоқда. Сув ресурсларини бошқариш ва сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, ирригация ва мелiorация лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш, сув ҳўжалигини бошқариш соҳасида бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, шунингдек, ушбу соҳада илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

- 1. 2022 йил охиригача Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги раҳбарияти фаолиятининг қуйидаги устувор йўналишлари ва самарадорлигининг мўҳим кўрсаткичлари белгилансин: а) сув ҳўжалиги вазири қуйидагилар учун шахсан жавобгардир: сув ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, сув ресурсларини бошқариш соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш; 2020-2030 йилларда сув ҳўжалигини ривожлантириш концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш; 2020 йилдан бошлаб сув ҳўжалиги ташкилотларининг сув етказиб бериш бўйича харажатларининг бир қисmini сув истеъмолчилари томонидан қоплаш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш; сув ҳўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун хоржий инвестициялар, қарзлар ва грантлар жалб қилишни кенгайтириш орқали сув ҳўжалиги объектларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш харажатларининг жами ҳажмидаги бюджет маблағлари улушини босқичма-босқич камайтириш; сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига фаол кўмаклашиш, замонавий суғориш тизимларини ишлаб чиқариш қувватларини хусусий инвестициялар жалб қилиш ҳисобига кенгайтириш орқали сув тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда суғориладиган ерларнинг улушини суғориладиган ерлар умумий майдонининг камида 10 фоизгача етказиш;

(Давоми 2-саҳифада)

Она тилимизга давлат мақоми берилганига ўттиз йил тўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу санаи кенг нишонлаш ҳақида қарори қабул қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Тил – миллат қиёфасини, мукамаллигини, давлат барқарорлигини акс эттирувчи энг юксак, энг бебаҳо қадриятлардан бири. Уни эъзозламаган халқ манқуртликка, улугламаган давлат инқирозга маҳкумдир.

Тил – абадият кафолати

Шукрки, мамлакатимизда ўзбек тилининг нуфузи ва обрў-эътиборини ошириш – давлат маданий-маърифий сиёсатининг энг мўҳим жиҳатларидан бири даражасига кўтарилмаётган. Айниқса, кейинги йилларда бу борада фахрланса арзиғули ишлар амалга оширилди. Миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг халқаро обрўсини оширишга, ёшлар ўртасида азалий қадриятларимизга садоқатни шакллантириш, китоб ўқишга иштиёқни кўчатиришга қаратилган ва бошқа турли-туман ибратли тадбирлар бунинг ёрқин далолатидир. Буларнинг барчаси тилимиз ва у орқали маданиятимиз, адабиёт ва санъатимиз равнақига кўч беради. Айни пайтда "олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ", деганларидек, айрим ташкилот ва идоралар, айниқса, тижорат фирмалари, савдо дўконларида бинога қираверишдаги пешлавлалар, реклама ҳамда эълонлардан бошлаб, иш юритишда ҳам давлат тилини менсимаслик ҳолатлари давом этаётганлиги таассуфланарли ҳолдир. Бу фақат миллий гуруҳнинг етишмаслиги эмас, давлатнинг амалдаги қонунларини бузишдир ва бундай ҳолатларга ҳуқуқий жиҳатдан баҳо берилиши, ҳаққоний чора кўрилиши зарур. Холбуки, яқин тарихимизга назар ташласак, тилимиз узоқ йиллар камситиб келингани, унинг ўз ҳақи ҳалол ҳуқуқини қўлга киритиши осон кечмаганлигига гувоҳ бўламиз. Яна шунга имон келтирамизки, тилимиз ҳуқуқи учун кураш ўзигимиз, Мустақиллигимиз учун курашнинг энг асосий омилларидан бири бўлиб келган. Бу кураш бугунги дорилармон за-

монда ҳам бир кун, бир соат тўхташи мўмкин эмас. Чунки жаҳон айвонида гоьлар муҳорабаси тобора кучаймоқда. Миллий ўз-лигимизни, минг-минг йиллик маданиятимизни инкор этишга, халқимиз, айниқса, ёшларнинг онгига "оммавий маданият" отлик даҳшатли хавфни, мудҳиш оғуни сингдиришга уринаётган кучлар бор. Уларнинг мақсади миллатимизни ҳаётбахш илдиэларидан узиш, тилидан, дину диёнатидан мосуво этиб, бегона қадриятларга кўр-кўрона сиғинишга мажбурлаш, онгсиз манқуртларга айлантиришдан иборат. Бас, шундай экан, дунёдаги энг қадимий, энг бой, энг гўзал, энг ширин тиллардан бўлган онажон ва жонажон тилимиз дахлсизлиги, барҳақлиги, узлуксиз ривожланиб бориши учун барча чоралар кўриломоғи шарт. Бу борада давлат идоралари, кенг жамоатчилик ҳамжиҳатлиқда ҳаракат қиломоғи талаб этилади. Урни келганда шуни ҳам унутмайлик, бир замонлар катта нуфузга эга бўлиб, кейин эса асраб-авайланмаганлиги, эъзозламаганлиги оқибатида истифодадан чиқиб кетган авесто, лотин санскрит, копт тиллари қисмати тарих саҳифаларига аччиқ сабоқ бўлиб муҳрланган. Айни кунларда ҳам дунёнинг турли бурчақларида инқирозга учраб, унутилиш, йўқолиш сари юз тутаётган тиллар бор. Алҳазар!

Тил яшаса, миллат яшайди, давлат тараққиёти гуркирайди. Унинг ҳамиша барҳаёт, ривож бардавом бўлмоғи учун эса ҳар биримиздаги гуруҳ, орият, масъулият туйғуси уйғоқ бўлмоғи зарур. Ҳабиб ТЕМИРОВ

Замонавий терим машиналари

Уларнинг ҳар бири бир кунда 1400 нафар теримчининг ишини адо этмоқда

Сирдарё вилояти

Республикамизда биринчилардан бўлиб Сирдарё вилоятига АҚШнинг "John Deere" компаниясида ишлаб чиқарилган энг сўнги русумдаги олти қаторли терим машиналари келтирилиб, бу йилги мавсумда Оқолтин тумани пахтазорларида ишлатила бошланди.



Сирдарё вилоятида чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали қишлоқ ҳўжалиги соҳасига инвестиция қилиниб, Оқолтин ва Сардоба туманларида катта майдонларда кластер тизимида пахта етиштиришни йўлга қўйган Сингапур давлатининг "Indogama" компанияси томонидан келтирилган, бир жараёнинг ўзида 2,5-2,7 тонна пахтани тўйлаб, қадоқлаб кетадиган янги турдаги инновацион пахта терим машиналари айни қизғин давларда Оқолтин тумани пахтазорларида тўла қувватда ишлатилмоқда. Терим машинасининг афзаллиги шундаки, у бир жараёнинг ўзида 6 қатор (эгат)даги

пахтани топ-тоза қилиб териб кетади. Битта терим машинаси бир кунда 90-100 тоннагача ҳрсини йиғиб-териб, тўйлаб беради. Бу туман далаларида синондан ўлказилаётган битта замонавий терим машинаси бир кунда 1400 нафар одамнинг ишини бажаради, демакдир. Туман далаларида шу кеча-кундузда 15 та 6 қаторли "John Deere 7760" русумдаги терим машиналари хирмонларга барака киритмоқда.

Бу вилоятда кунига ўртача 1400 тонна пахта айнан "John Deere 7760" русумли пахта терим машиналари ёрдамида терилаётганини аналтади. Яна бир аҳами-

ятли жиҳати, замонавий машина пахтани эгатларда қолдирмай, топ-тоза теради. Иккинчи бир жиҳати, қадоқлаб, тўйланган (битта бункердаги пахта яхлит 2,5 тонналик қилиб тўйланади) хомашени хирмонларга олиб бориш ҳам осон, қайта ишлашга ҳам катта қўлайликлар тугдиради. Яна бир эътиборли томони, ушбу машиналар гўза ораларида кузги галла экиш ишларининг барвақт тугаланишига, минглаб одамларни теримдан озод этишга ҳам катта имконият беради.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИДАГИ ИСЛОХОТЛАР

бугун қандай натижаларни бермоқда?

Фарғона вилояти пиллачилик тармоғи кейинги уч йил давомида илмий-амалий тажриба ҳамда замонавий мезонлар асосида жадал ривожланмоқда

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан барча соҳалар қатори пиллачилик тармоғида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айни жараёнда ҳаётта татбиқ этилаётган имтиёз ва имкониятлар том маънода пилла етиштириш, илақ ишлаб чиқаришининг замонавий усулларини яратиш, тадбиркорлар, айниқса, илақ матолар тўқувчи хунармандлар фаолиятини янада юксалтиришда мўҳим омили бўлиб килаётганини қувонарлиқдир. Шу йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган биринчи Халқаро хунармандчилик фестивалида ҳам дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларидан энг моҳир хунармандлар қатнашиб, миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқнинг турмуш тарзи, орзу-умидларини акс эттирувчи ноёб хунармандчилик намуналарини инсоният ҳаётида нечоғли мўҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этдилар.

Таъкидлаш жоизки, Фарғона вилояти азал-азалдан пилла етиштириш сирасорларини пухта ўрганган миришкорлар юрти ҳисобланади. Бу икки тушунча – меҳнатсеварлик ва яратувчанлик фарғоналикларнинг эзгу қадрияти сифатида эъзозланади. Фарғона вилояти ўзининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, аҳоли сони, ободлиги ва фаровонлиги билан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Пиллачиликда ҳам ўзига хос тажриба мактабига эга бўлган фарғоналиклар пиллани илмий ва амалий тажрибалар асосида қайта ишлаш усулини ҳам яхши ўзлаштирганлар. Бунинг республикамизда ил бор ипақчилик саноатига асос солган Марғи-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМА УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси 2019 йил 11 октябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 10 октябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

(Давоми 3-саҳифада)

ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

бугун қандай натижаларни бермоқда?



иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2021 йили тармоқдаги иш ўринлари сони 69,5 мингтага ортади.

Фаргона вилояти "Агропилла" МЧЖ раҳбари Мўминжон Абдуҷабборовнинг маълум қилишича, 2018 йили вилоятда пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан 6,9 миллион АҚШ доллари миқдорда ипак маҳсулотлари экспорт қилинишига эришилди. Бу борада ишлаб чиқилган "Йул харитаси"га кўра экспорт ҳажмини 2019 йилда 10,4 миллион АҚШ доллари ҳамда 2020 йили 13,8, 2021 йили 18,8, 2022 йили 20,2 миллион долларга етказиш режалаштирилган. 2025 йилга бориб эса вилоят пиллачилик тармоғида ипак ва тайёр маҳсулотлари сотиш ҳисобига экспорт ҳажмини 35 миллион АҚШ долларига етказиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Табиий ипак қадимдан турли тўқимачилик маҳсулотлари ва ноёб хунармандчилик санъати намуналарини тайёрлашда кенг қўлланган. Ипакнинг табиий жозибаси, гигиеник ва эстетик хусусиятлари инсон организми учун қулай шaroит яратди. Айниқса, гўзал ва дилбар хотин-қизларимизнинг андак маълумоти бўлишини таъминлайди.

Жаҳон бозорида табиий хом ашёдан тайёрланган маҳсулотларга талаб кундан-кунга ошиб, мода оламида ипак толлари иштирок этган кийим-кечақлар тобора урфга киритилган бир шaroитда

пиллачилик тармоғини замонавий мезонлар бўйича ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги остида кенг асортиментдаги газламалар, шойи-ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш Фаргона пиллачилигини ривожлантиришнинг муҳим мезони бўлиб, бу вилоят тадбиркорлари олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтганда, Буюк ипак йўли чорраҳасида элларни элларга, юртларни юртларга боғлаган савдо қарвонлари Фарғонанинг ипак маҳсулотларини мағрибдан мағрибга кўча-кўча этар эди. Бугунги замонавий дунёда ярмаркалар, фестиваллар, ажойиб ва бетакрор байрам тантаналари, қолаверса, мамлакатимиз тадбиркорлари ва инвесторлар учун яратилаётган қулай бизнес муҳити юртимизнинг табиий сифатли ипак маҳсулотларининг жаҳон бозорига бренд бўлишини таъминламоқда. Асрлар мобайнида сайқалланиб, юксалиш, тарққиёт ва эртанги кун истиқболи йўлида дадил одимлаётган Фарғона пиллачилиги мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ҳуфусининг тобора ортишига бекиёс нафос қўшаётди, бу албатта, қувонарлидир.

Эркинжон НУРАЛИЕВ,
Фаргона вилояти
Касаба уюшмалари
ташкilotлари бирлашмаси
Кенашчи раиси.

мақсадида институт олимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, "Узстандарт" агентлиги, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда жиддий сайё-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда институтда Жанубий Кореянинг "KITECH" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил қилинган "Халқаро тадқиқотлар ва ипакчиликни ривожлантириш маркази" ҳамда тўқимачилик ипакнинг физик-механик хусусиятларини аниқлашга мўлжалланган Синов лабораторияси фаолияти йўлга қўйилган.

Албатта, бугунги кунда пиллани чуқур қайта ишлашни ташкил этиш орқали ипакли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, харидорлар турлари ва дизайнни такомиллаштириш, тайёр маҳсулот билан жаҳон бозорига чиқиш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш долзарб масалалар сирасига кириди. Боиси, аҳолининг турмуш тарзи ўзгариб бориши натижасида маҳсулот сифати, дизайни ва эстетик хусусиятларига бўлган талаби ошиб бораётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Фаргона вилояти "Агропилла" МЧЖ тизимида 15 та туман "Агропилла" МЧЖ ва 2 та шаҳар "Агропилла" МЧЖ, 2 та уруғчилик корхонаси, тўқимачилик корхоналари фаолият олиб боради. Шунингдек, маҳсулотни қайта ишлашга ихтисослашган замонавий кластер корхоналари "Водил ипак йигирув" ишлаб чиқариш корхонаси, "Водий Маржон" кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси ҳамда "Нурли тонг силк", "Силк ВаЛ" ва "Едгорлик" МЧЖлари бугунги кун талаблари асосида фаолият кўрсатишга ҳаракат қилмоқда.

2017 йили Фаргона вилоятида 842,6 тонна, 2018 йили 1650 тонна пилла хом ашёси етиштирилди. Кейинги уч йил мобайнида вилоятдаги мавжуд тўтзор-

лар фермер хўжаликлари томонидан туман захирасига қайтарилиб, туман ва вилоят ҳокими қарорларига мувофиқ, ҳудудий "Агропилла" МЧЖларига ажратилди ҳамда пиллани қайта ишлашчи корхоналарга фойдаланиш учун ижарага берилди. Шу тариқа вилоятдаги мавжуд тўтзорлар, қўрхоналар вилоят "Агропилла" МЧЖ тасарруфига ўтказилди.

2019 йили Фарғона вилоятида 20 миллион тут кўчати экиш режалаштирилиб, баҳорги мавсумда 16 миллион 100 мингдан зиёди экилди. Шунингдек, 252 гектардан ортиқ янги тўтзорлар барпо этилди.

"Нурли тонг силк" МЧЖ пиллачилик кластери раҳбари Мақсуджон Қосимов хориж тажрибасини ўрганиб, Фарғона водийси табиати учун табиий иқлим шaroити энг қулай бўлган Хитойдан 9 миллион дон серхосил тут кўчатларини олиб келиб, эктирди. Ҳозирда улар барваж ўсаяпти.

2019 йилдан бошлаб вилоятда ипак қўрғанига йилга тўрт мартаба сифатли хосил йиғиштириб олиш амалиёти жорий этилди. Шу сабабли жорий йилги биринчи мавсумда вилоят хирмониغا 1486 тонна, иккинчи мавсумда 1836 тонна пилла хом ашёси топширилиб, белгиланган режа 104,9 фоизга бажарилди.

Вилоятда пилла етиштиришни кўпайтириш, ҳудудлардаги пиллани қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш, экспорт ҳажмини юксалтириш мақсадида жорий йилнинг август-сентябрь ойларида такрорий пилла етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ёзги мавсумда такрорий пилла етиштиришни самарали ташкил қилиш учун ҳудудларнинг табиий иқлим шaroити инноват олиниб, ипак қўрғи уруғлари инкубаторларда жонланттирилган ҳолда боқувчиларга тарқатилди. Парваришлаш жараёни тўлиқ малакали

мутахассислар назоратида бўлди.

Бунинг самараси ўлароқ, ёзги учинчи ва тўртинчи мавсумда 5460 кўти ипак қўрғи парваришланиб, 219 тонна пилла хом ашёси етиштирилди. Ёзги мавсумда 8272 нафар касаначилар билан шартномалар тузилиб, уларнинг бир ойлик фаолияти учун бир йиллик меҳнат стаж-и ёзилиши таъминланди. 2019 йилдан бошлаб пилла хосили учун шартномада белгиланган миқдордан ортиқча пилла топширилганда, 5 килограммга ортиқча хосил харид нархига нисбатан 15 фоиз, 5 килограммдан юқори қисмига 25 фоиз миқдорда устама ҳақ тўлаш тизими жорий этилди.

2019 йили вилоятдаги 5 та пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан туманлар кесимида 25 та қўрғона, 134 та кўчмас ва кўчма қўрғоналар куриб битказилаяпти. 2018 йилдан вилоятдаги қайта ишлаш корхоналарининг ҳар бирида 20 тадан ипак гилам ишлаб чиқариш дастгоҳлари ўрнатилган бўлса, 2019 йилнинг якунига қадар ҳар бир корхонада ипак гилам ишлаб чиқариш дастгоҳлари 50 тага етказилди. Жаҳон бозорига харидорлар ипак гиламлар асосан, экспортга чиқарилиши мўлжалланган.

Фаргона вилоятида пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан касаначилик асосида фаолиятга жалб этилган аҳоли хонадонларига 50 бошдан 90 кўчма парранда ҳамда тут кўчатларини шартнома асосида бепул етказиб бериш амалиёти ташкил этилмоқда. Бу борада вилоятда 5 минг нафар касаначилик рўйхати шакллантирилди.

2018 йили вилоят пиллачилик тармоғида 37 минг 878 нафар ҳамюртимиз доимий ва мавсумий иш билан таъминланган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич қарийб 55 минг нафарга етди. 2020 йилда вилоятда пиллачилик тармоғида 61 мингдан ортиқ доимий ва мавсумий

Суғуртага суюянинг, панд емайсиз

Кўча-кўйда ёки оммавий ахборот воситалари орқали кимнингдир бошига иш тушганини эшитиб қоламиз. Биров касоғда учраган, биров ногирон бўлган, кимдир табиий офатдан зарар кўрган ёки кўнгилсиз ҳодиса оқибатида вафот этган... Унинг оқибатида юзага келган ижтимоий муаммолар, айниқса, зарарни қоплашнинг молиявий томони билан боғлиқ қийинчиликлар эса бугун жамиятимиздаги муҳим масалалардандир.

Умуман, инсон ҳаёти хатарларга тўла. Бу ҳамма замонларда турли кўринишда бўлган. Ҳаётда мана шу хатарлар билан ҳисоблашмас эканмиз, оғир ижтимоий ҳолатга таъсир қолмаслигимизга ҳеч қандай кафолат йўқ. Масалан, касоғда учраб йўлини тополмай юрган тадбиркор, бахтсиз ҳодиса туфайли ўта камтарона турмуш шaroитида яшаётган ногиронлиги бўлган шахслар, кредитга олинган машина билан йўл транспорт ҳодисаси содир этган ҳайдовчи ёки табиий офат оқибатида уй-жойи, дўконидан айрилган фуқаролар ҳақида эшитамиз, биламиз. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам вазиятдан чиқишда оғир аҳволда қолмайди.

Молиявий хизматлар ичида энг оммалашгани ва ишончлиги суғурта ҳисобланади. Ғарбий Европа ва ривожланган мамлакатларда одамлар суғурта хизматларидан кенг фойдаланади. Боиси, суғурта соғлиқ, бизнес ва мулкнинг турли хатардан ҳимоялашнинг ҳамда зарарни кайта-тиришнинг муҳим омилдир. Илгари ота-боболаримиз келажақдаги кўнгилсиз ҳолатларнинг ҳисобини олиб, бир ишга киришган бўлсада, айни кунда суғурта хизматларига аҳолининг қизиқиши талаб даражасида эмас. Буни кўпчилик суғурта ташкилотларига ишончсизлик билан боғлайди.

Бироқ фактлар суғурта хизматларига ишонмаслик учун асос йўқлигини кўрсатади. Мисол учун, шу йили Ангрэн кўмири санoати касб-хунар коллежи директори ўринбосари С.А.А йўл транспорт ҳодисаси оқибатида вафот этган эди. "Ўзагросуғурта" акциядор-

фуқаро Музаффар Сиддиқовга "Ипотека кредитларини комплекс суғурта қилиш" шартномасига кўра яшаш уйининг табиий офат натижасида зарарланган қисми ҳисобланиб, унга қарийб 19 миллион сўм тўлаб берилди. Шунингдек, Самарқанд вилояти Пастдаргом тумани Зангибой маҳалласида истиқомат қилувчи Акмал Гадаевга ҳам "Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш" полисига кўра олган тан жароҳати бўйича деярли 19 миллион сўмлик суғурта товони тўланди.

Бундай мисолларни кўриб келтириш мумкин. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қарийб 10,5 минг нафар жимийоний ва юридик шахслар билан суғурта ҳодисаси содир бўлди. Бу бўйича "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти томонидан 30 миллиард 295 миллион сўмдан ортиқ суғурта товонлари тўланди.

Афсуски, Ўзбекистонда суғурта хизматларидан фойдаланиш ҳажми мақташга арзиғулик эмас. Гўёки, ижтимоий ҳаётдаги турли хатарлар бизни четлаб ўтиши кафолатлангандек осонгина уйга келган суғурта агентларига эшик қаердалигини кўрсатиб кўямиз. Демак, аҳоли ўртасида суғурта маданияти суғурта соғлиқининг сабаби ишончсизлик эмас, балки, ушбу молиявий хизмат бўйича билимларнинг етарли эмаслигидир. Яъни, одамларда суғурта, унинг шартлари, шартнома тузиш тартиби тўғрисида бирламчи тасаввурлар ҳам етарли даражада эмаслиги турли тушуномачиликларга сабаб бўлаётгани айни ҳақиқат.

Хулоса шуки, суғурта бу хотиржамлик гарови. Зеро, ҳар қандай ишончли дўст ҳам бошга ташвиш тушганда синалади. Дўст панд бериши мумкин, лекин суғурта ташкилоти оғир вазиятларда бировнинг қўлига қараб қолмаслигини, муаммоларинингизни ўзингиз ҳал қилишингизга имкон беради.

Шухрат ҚОБИЛОВ,
"Ўзагросуғурта" АЖ Ахборот хизмати менежери.

ЎЭЪЛОН

ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ВА УНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ ҲАМДА ҒАЛЛАОРОЛ ИЛМИЙ-ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ

2020 ўқув йили учун таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)да ўқиш учун талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилишни эълон қилади.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти (Анджон вилоятида) 2020 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)да ўқиш учун талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилади. (Боғланиш учун тел: 74-373-12-05, 99-790-80-04)

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА

(PhD)га қуйидаги ихтисосликлар бўйича:
– 06.01.05-Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича 1 киши;
– 06.01.08-Ўсимликшунослик ихтисослиги бўйича 2 киши;

ДОКТОРАНТУРА

(DSc)га қуйидаги ихтисосликлар бўйича:
– 06.01.05-Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича 1 киши;

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё филиали (Қашқадарё вилоятида) 2020 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)да ўқиш учун талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилади. (Боғланиш учун тел: 75-228-00-17, 93-902-23-94)

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА

(PhD)га қуйидаги ихтисосликлар бўйича:
– 06.01.05-Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича 2 киши;
– 06.01.08-Ўсимликшунослик ихтисослиги бўйича 2 киши;
– 06.01.09-Ўсимликларни ҳимоя қилиш ихтисослиги бўйича 1 киши;

ДОКТОРАНТУРА

(DSc)га қуйидаги ихтисосликлар бўйича:
– 06.01.05-Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича 1 киши;

– 06.01.08-Ўсимликшунослик ихтисослиги бўйича 1 киши;

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси (Жиззах вилоятида) 2020 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)да ўқиш учун талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилади. (Боғланиш учун тел: 72-432-15-33, 94-197-16-27)

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА

(PhD)га қуйидаги ихтисосликлар бўйича:
– 06.01.05-Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича 1 киши;
– 06.01.08-Ўсимликшунослик ихтисослиги бўйича 1 киши;

ДОКТОРАНТУРА (DSc)га

қуйидаги ихтисосликлар бўйича:
– 06.01.05-Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича 1 киши;

А)Таянч докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

– магистр даражасига эга бўлганлар;
– фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар.
Диққат! Ҳужжатлар Online тарзида phd.mininnovation.uz сайти орқали қабул қилинади.

Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ▶ ариза;
- ▶ қисқача биографик маълумотнома;
- ▶ меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- ▶ олий таълим муассасаси магистратураси диплом нусхаси;
- ▶ нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Б) Докторантурага қуйидагиларга

эга бўлганлар қабул қилинади:

– фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даража;лар;
– фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.
Диққат! Ҳужжатлар Online тарзида phd.mininnovation.uz сайти орқали қабул қилинади.

Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ▶ ариза;
- ▶ қисқача биографик маълумотнома;
- ▶ меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- ▶ олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- ▶ тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- ▶ нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Ҳужжатларни Online топшириш 2019 йил 15 октябрдан.

ЎЭЪЛОН

2020 й. 4-дан Тошкент қўрғани ва миллий ҳунармандчилик касб-хунар коллежи томонидан Нурдодилова Гулбардор Назиржановнага берилган К № 027000 рақамли дилома йўналишидаги ишончсизлик билан берилди.

Соғлом бола – оила қувончи, юрт таянчи

Иссиқ жон иситмасиз бўлмас, дея бежиз айтишмайди. Кўп ҳолларда касаллик бехосдан келади. Айниқса, мурғаккина фарзандимиз иситмалаб ҳасталаниб қолса, дунё кўзимизга тор кўриниб кетади. Бундай пайтда тезда шифокорга мурожаат қиламиз, ундан нажот кутамиз. Дардманинг дардига шифо толган қўли энгил шифокорларга ич-ичимиздан тасаннолар айтамыз.

бўлим 40 ўринли бўлиб, шифокорнинг меҳнат қилиши, бемор гўдакларнинг даволаниши учун ҳамма шароитлар яратилган.

Кардиоревматология бўлими 30 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган бўлса, Нефрология бўлими 35 ўринли. Педиатрия бўлимида 6 ойликдан 3 ёшгача бўлганлар даволанади. Шифохонада педиатрия ҳамда реанимация ва интенсив терапия бўлими ҳам фаолият кўрсатмоқда.

– Албатта, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади, – дейди шифохона бош шифокори Тозагул Холиқова биз билан суҳбатда. – Бу борада бўлажак оналарга тегишлича маслаҳат берамиз. Она хомилдор бўлмасидан аввал тиббий кўриқдан ўтиши зарур. Бу борада оилада отанинг масъулияти ҳам кам эмас. Чунки, ҳар иккаласи тугилажак бола учун жиддий қайғурсагина ижо-



бий натижага эришиш мумкин. Шунингдек, оилада тиббий саводхонлики шакллантириш ҳам албатта, ижобий натижа беради. 175 ўринга мўлжалланган шифохонамизда беморлар учун барча қулайликлар яратилган. Бу ерда нафақат Самарқанд вилоятидан балки Сурхондарё, Қашқадарё, На-

воий, Бухоро, Жиззах вилоятларидан, кўшни Тожикистон Республикасидан келган беморлар ҳам даволанишмоқда. Тозагул оланинг айтишича, шифохонада иш фаолиятини бошлаган ҳар бир ёш мутахассис малакали шифокорларга бириктирилган. Уларнинг тўрпалаган бой тажрибаси ёшлар

Тиббиёт ходимлари бизнинг саломатлигимиз нособларидир. Уларга халқ ишониши, улар эса халқни ишонтира олиши керак.

Ш.МИРЗИЁЕВ

учун қўл келмоқда. Мавжуд даволаш хоналаридаги шарт-шароитлар рисоладагидек. Шифохонада меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасида мунтазам равишда тарғибот ишларини амалга ошириб келмоқда.

– Уғлим Мироншоҳни ушбу шифохонага олиб келганимизда аҳволи оғир эди. Бизни ширин сўз билан кутиб олган шифокорларнинг ўз вақтида, тўғри ташхис қўйгани боис, боламиз тезда соғайиб, оёққа турди. Бу ердаги мавжуд шароитлардан мамнунмиз, – де-

йди бухоролик Феруза Розикүлова.

Шифо масканида даволанаётган беморларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, улар мавжуд шарт-шароитлардан мамнунлигини айтишади.

Ҳа, фарзанд – оила гултожи. Унинг соғ-саломат улғайиб, камолга етиши эса отанинг чексиз бахтидир. Ана шу мақсадда астойдил меҳнат қилаётган Самарқанд шаҳар Болалар шифохонасининг қўли энгил шифокорларига тасанно, деймиз.

Ақтамжон БЕРДОНОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Самарқанд шаҳар Болалар шифохонасида айнан шундай шифокорлар кўпчилики ташкил этади. Айни вақтда 220 нафар тиббиёт ходими меҳнат

қилаётган ушбу муассасанинг гўдак ёшдаги болалар бўлимида 30 кунликдан 6 ойгача бўлган ҳасталикка чалинган болажонлар даволанади. Бу



Реклама

PROMZONA LEASING

TTZ-LS I38, TTZ-LS U62
мини тракторлари

Йилига 2%дан
ЛИЗИНГГА

Куру-тун: 71-280-00-71
promzona.uz

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

PLANETA SERVIS

ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган.

ТОГЛАР

МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) Бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- «Беларусь» (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- «Беларусь» тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Маҳсулотлар сертификатланган.

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

«Ўзагротексаноатхолдинг» АЖ тизимидаги
«ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ»
акциядорлик жамияти

қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.

Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси 434 уй.
Мўлжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71) 264-08-12, (71) 264-77-48. Info@TZST.uz

Маҳсулотлар сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.

ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРАГА ТАЛАБГОРЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Шоличилиқ илмий-тадқиқот институти умумиллий ва аниқ тармоқ тадқиқотларининг методологиясини эгаллаган, муаммони малакали тарзда аниқлаш ва асослай олиш, илмий маълумотлар ва материалларни мақсадли тарзда излаш олиш, таҳлил қилиш қобилиятига эга маистр даражасига ёхуд олий маълумот тўғрисидаги дипломга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлган йиғит ва қизларни таянч докторантурага кириш учун таклиф этади.

МАВЖУД МУТАХАССИСЛИКЛАР:

- 1.06.01.05. «Селекция ва уруқчилик»
- 2.06.01.08. «Усимликшунослик»

Хужжатлар онлайн тарзда <http://www.phd.mininnovation.uz/> сайти орқали қабул қилинади.

Хужжатларни қабул қилиш мuddати 15 октябргача.

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРАДА ҲАМРАФ ТАЛАБГОРЛАР ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ариза;
2. Қисқача биографик маълумотнома;
3. Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
4. Олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
5. Нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиаси соҳиблари тегишли хужжат нусхаси (агар мавжуд бўлса).

Мурожаат учун телефон рақамлари:
(+99890) 316-05-94, (+99890) 960-14-54.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-78-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иجتимой-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

- Андижон – (+99893) 630-73-03;
- Бухоро – (+99891) 401-29-58;
- Жиззах – (+99893) 940-10-78;
- Навоий – (+99891) 332-50-99;
- Наманган – (+99893) 948-53-86;
- Фарғона – (+99890) 407-76-03;
- Самарқанд – (+99893) 349-54-39;
- Сирдарё – (+99894) 188-23-60;
- Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
- Тошкент – (+99890) 975-39-58;
- Хоразм – (+99897) 790-47-61;
- Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-1025, ҳажми 2 босма табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририятининг ўзидa компьютерда терилди ва дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

3 776 нусхада чоп этилди.

НАШР ИНДЕКСИ – 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 01.55

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ХАҚБЕРДИЕВ